

## БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА “ОНА ТИЛИ ВА ЎҚИШ САВОДХОНЛИГИ” ҲАМДА “ТАСВИРИЙ САНЪАТ” ЎҚУВ ФАНЛАРИНИ ИНТЕГРАЦИОН ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

*Зухра Умарова, педагогика фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD)*

*Сабина Нормохматова, ЧДПУ талабаси*

**Аннотация:** мақолада бошланғич синфларда “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” ҳамда “тасвирий санъат” ўқув фанларини интеграцион ўқитиш технологияси ёритилган.

**Калит сўзлар:** бошланғич, таълим, ўқитиш, интеграция, технология, ёндашув, билим, кўникма, малака.

Мамлакатимизда бошланғич синфларда ўқув фанларини замонавий технологиялар асосида ўқитиш ва унинг натижасида ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини юксалтириш жараёни кечмоқда [1]. Шу жиҳатдан “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” ҳамда “Тасвирий санъат” гуманитар ўқув фанларини интеграцион ўқитиш технологиясининг шакллари ишлаб долзарб бўлиб турибди [2]. Бу ўринда ана шу масаланинг таҳлилига эътиборингизни тортамиз.

**I. Матн устида ишлаш интеграцияси.** “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” ўқув фани бошланғич таълимнинг асосий предметларидан бири ҳисобланади. Унда ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқини ривожлантириш, уларнинг мустақил фикрини таркиб топтириш асосий вазифалардан ҳисобланади. Чунки айнан мазкур ўқув фан воситасида ўқувчиларнинг миллий руҳияти, миллий онги ва миллий дунёқараши шакллантирилади.

“Тасвирий санъат” ўқув фани ўқувчиларнинг ижодий лаёқатини, кўникмасини ва тафаккурини шакллантиришга йўналтирилган. Ижодий лаёқатга эга бошланғич синф ўқувчилари онгида ўзлигига бўлган ишонч, ижодий кўникмага эга ўқувчидан эстетик фаоллик ва ижтимоий итафаккурга эга бўлган ўқувчидан амалиётга тайёргарлик кўникмалари таркиб топади. Шу сабабли мазкур фаннинг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларнинг эстетик онгига, билими ва лаёқатини ривожлантиришдир.

Эътибор берилса, Она тили ва ўқиш саводхонлиги” ҳамда “Тасвирий санъат” ўқув фанларини интеграцион ўқитиш амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун матн устида ишлаш шаклидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Унга кўра, Она тили ва ўқиш саводхонлиги” дарслигидаги муайян матн ўқувчиларга ўзлаштириш учун тақдим этилади ҳамда “Тасвирий санъат” ўқув

фани дарслигида берилган матн мазмунига доир тасвирлардан фойдаланилади. Мисол учун, “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” 1-синф дарслигида “Улар сизга ким?” мавзусида хола, амаки, амма ва тоғанинг суратлари берилган. Топширик сифатида ўқувчилар уларга жавоб ёзиши керак. Бунда ўқувчилар холанинг ўз онасининг синглиси ёки опаси эканлигини, амакининг ўз дадасининг укаси ёки акаси эканлигини, амманинг ўз дадасининг опаси ёки синглиси эканлигини ва тоғанинг ўз онасининг укаси ёки акаси эканлигини аниқлаб ёзиши керак. Бу билан бошланғич синф ўқувчиларининг мустақил фикрлаши ва тафаккур кўникмасини шакллантиришга эришилади. Айнан мана шу машғулотда “Тасвирий санъат” дарслигидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларга таъкидланган яқин қариндошларнинг расмини чизиш топширигини бериш муҳим амалий аҳамиятга эга. Бунда ўқувчиларнинг расмларига қараб ўз яқин қариндошларининг қайси жиҳатларини ёқтиришини аниқлаш имконияти мавжуд ва натижада бошланғич синф ўқувчисининг эстетик кўникмаси даражаси тўғрисида ҳам маълумотга эга бўлинади. Шу сабабли мазкур фанларнинг машғулотларини биргаликда ташкил этиш ёки уларни кетма-кет машғулотлар сифатида ўқитиш мақсадга мувофиқ бўлади. Агар “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” дарслиги ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини шакллантиришни назарий жиҳатдан назарда тутса, “Тасвирий санъат” дарслиги эса ана шу ўзлаштирилган назарий тушунчаларни расмлар, суратлар ва тасвирлар воситасида амалиётга айлантириш имконини беради. Чунки бошланғич синф ўқувчилари ёш хусусиятига мос равишда кўриб турган нарсасини тез ўзлаштиради ва ўзининг тасавуридаги фикрларни тасвир воситасида ифодалашга қизиқади.

Эътибор берилса, мазкур ўқув фанларининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг матн устида ишлаш билими, кўникмаси ва амалий тажрибаларини кутилган даражада шакллантириш мумкин. Бугунги кунга қадар анъанавий методикага асосан ҳар бир ўқув фани мустақил равишда ўқитиб келинган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПФ-134-сон Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларда халқ таълими ривожлантириш бўйича Миллий дастури”га асосан 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб бошланғич синфларда ўқув фанларни туркумлаштириб ўқитиш амалиётга жорий этилди. Шу жиҳатдан таъкидланган ўқув фанларини интеграцион ўқитиш ана шу туркумлаштириб ўқитишнинг амалий ифодаси ҳисобланади.

**2. Ўқувчиларни ижодийликка ўргатиш интеграцияси.** “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” ҳамда “Тасвирий санъат” ўқув фанларини интеграцион ўқитишда ўқувчиларни ижодкорликка ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда қуйидагиларга эътибор бериш самарали ҳисобланади:

- ўқувчиларни ўз фикрини тўғри ифодалай олиш ва фикрларини тасвир воситасида кўрсата олиш;

- ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши ва ўз фикрларини турли тасвирий воситалар билан тушунтира олиш кўникмасини шакллантириш;

- ўқувчиларни матнлар ва табиий ҳодисалар билан мустақил ишлашга ўргатиш.

Ўқувчиларни ўз фикрини ифодалашга ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун булар “Тасвирий санъат” ўқув фанида берилган тасвирлар бўйича матнлар тузиш ва шу матнларни фикр воситасида тушунтириб бериш кўникмаларини эгаллаши мақсадга мувофиқ бўлади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, бошланғич синф ўқувчилари кўп фикрлашга ҳаракат қилади ва табиий ҳодисаларга нисбатан эмоционал муносабатда бўлади. Шу сабабли “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” ҳамда “Тасвирий санъат” ўқув фанларини ўқитиш воситасида ўқувчиларни ўз фикрларини тасвирий воситалар асосида тушунтириб беришга ўргатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бошланғич синф ўқувчилари ҳар бир табиий ҳодисани расм орқали тасвирлашга қизиқишади. Шу сабабли “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” ҳамда “Тасвирий санъат” ўқув фанларининг тўғарак машғулотларини биргаликда ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ўқувчи ўз фикрини расмлар, чизмалар ёки жадваллар асосида тасвирлаш кўникмасини эгаллайди. Бунинг натижасида улар фикрларининг яққол намоён бўлиши ҳодисасига дуч келишади.

Бошланғич синф ўқувчиларини ижодийликка ўргатиш ҳозирги замон бошланғич таълим жараёнининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки ўқувчилар ижодкорлик лаёқатига эгша бўлиши билан билим асослари, тарбия кўникмалари ва амалиёт малакаларини тез ва осон ўзлаштириш имкониятига эга бўлади.

Мазкур масалалар таҳлили шуни кўрсатадики, “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” ҳамда “Тасвирий санъат” ўқув фанларини интеграцион ўқитиш ўқувчиларнинг билим олиш ва ижодкорлик лаёқатларини уйғун шакллантириш имкониятларини беради. Шу сабабли кейинги пайтларда бошланғич таълим ўқув фанларини интеграцион ўқитиш масаласини асосий эътибор қаратилмоқда. Бу ҳол ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш курсларида ҳам бошланғич синфларда “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” ҳамда “Тасвирий санъат” ўқув фанларини интеграцион ўқитиш бўйича амалий фаолиятдаги ўқитувчилар учун машғулотлар ташкил этишни ҳам тақоза этади.

Бошланғич синфларда “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” ҳамда “Тасвирий санъат” ўқув фанларини интеграцион ўқитишнинг механизмларини



ишлаб чиқиш тақоза этилади. Бизнинг фикримизча, бу борада қуйидаги механизмларга асосланиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- а) ушбу ўқув фанларининг мавзуларини ўзаро боғлиқликда тузиш;
- б) мазкур ўқув фанларининг мавзулари материалларини кетма-кетлик ва ўзаро тўлрирувчанлик асосида тузиш;
- в) бу ўқув фанларининг дарс жадвалини ўзаро кетма-кетликда тузиш.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, тажрибали бошланғич синф ўқитувчилари айнан ана шундай механизм асосида ўқув фанларининг машғулотларини ташкил қилади.

Бугунги кунда олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” ҳамда “Тасвирий санъат” ўқув фанларини интеграцион ўқитиш бўйича кўникмасини шакллантириш долзарб бўлиб турибди. Бундай кўникмани шакллантиришда талабаларнинг педагогик ҳафталик амалиёти имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**3. Ўқувчиларни амалий фаолиятга ўргатиш интеграцияси .** “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” ҳамда “Тасвирий санъат” ўқув фанларини интеграцион ўқитиш воситасида бошланғич синф ўқувчиларини амалий фаолиятга ўргатиш муҳим аҳамиятга эга.

Бошланғич синф ўқувчиларининг амалий фаолияти деганда қуйидагилар назарда тутилади:

- а) ўқувчиларни мустақил нарсалар, жиҳозлар ва ишланмалар яратишга ўргатиш;
- б) ўқувчиларнинг мустақил ишланмаларини баҳолаб бориш;
- в) ўқувчиларнинг амалий фаолият кўникмасини ривожланиш жараёнини назорат қилиб бориш.

Булардан асосий мақсад ўқувчиларнинг амалий фаолият кўникмасини ўқув фанлари имкониятларидан фойдаланган ҳолда самарали шакллантиришдир. Шу жиҳатдан “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” ҳамда “Тасвирий санъат” ўқув фанларининг имкониятлари бошланғич синф ўқувчиларининг амалий фаолият кўникмасини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Мисол учун, “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” машғулотида турли эртақлар ва ҳикояларни ўқитиш назарда тутилган. Ўзлаштирилган ана шундай эртақлар ва ҳикояларни “Тасвирий санъат” машғулотида ўқувчилар томонидан расмлар воситасида тасвирлаши муҳим аҳамиятга эга. Чунки ўқувчи ўзлаштирган эртақлар ва ҳикояларнинг қайси томонлари ёки образларини тасвирласа, демак айнан ана шу нарсалар ўқувчиларда таассурот қолдирган бўлади. Айни пайтда ўзлаштирилган эртақлар ва ҳикояларнинг ўқувчилар онгида сақланишида улар томонидан чизилвадиган тасвирларнинг аҳамияти катта бўлади.

Эътибор берилса, “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” ҳамда “Тасвирий санъат” ўқув фанларини интеграцион ўқитиш воситасида бошланғич синф ўқувчиларининг матн устида ишлаш, ижодийлик ва амалий фаолият кўникмаларини шакллантиришнинг ўзига хос методик мимониятларга эга бўлинади. Шу сабабли бунда таъкидланган ўқув фанларининг ўқитувчилари биргаликда ва ҳамкорликда фаолият юритиши мақсадга мувофиқ бўлади [3].

Бошланғич синфларда “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” ҳамда “ тасвирий санъат” ўқув фанлари алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли мазкур фанларнинг мавзулари, машғулотлари ва тўғаракларини уйғун ташкил этиш воситасида бошланғич синф ўқувчиларининг миллий тафаккури, ўқиш саводхонлиги ҳамда идрокини кутилган даражада ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Бунда “Тасвирий санъат” ўқув фани ўқувчиларга ўз миллий тафаккурини тасвирлаш орқали ривожлантириш, ўқиш саводхонлигини расмлар орқали кучайтириш ва ўз идрокларини реал воситалар асосида такомиллаштириш муҳим ўрин тутати. Шу сабабли бошланғич синф ўқувчиларининг мазкур фанларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишлари юқори эканлигини эслатиб ўтиш жоиз.

Мамлакатимизда гуманитар фанларни интеграцион ўқитиш технологияси шакллари ишлаб чиқиш янги йўналишлардан ҳисобланади. Бу борада биз таклиф этаётган шакл муҳим ёндашувлардан бири эканлиги билан амалий аҳамиятга эга. Унда асосий эътибор амалий самарадорликка қаратилганлигини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундай қилиб “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” ҳамда “Тасвирий санъат” ўқув фанларини интеграцион ўқитиш технологияси мавзулар, ўқув адабиётлари ва машғулотларнинг уйғунлигига асосланади.:

#### Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тарққиёт стратегияси. – Тошкент, 2022
2. Абдуллаева Б. Бошланғич синфларда ўқув фанларини интеграцион ўқитиш асослари . – Тошкент, 2012
3. Умарова З. Бошланғич таълимда педагогик жараён // Муғаллим ҳам узликсиз билимлендириў. Илмий-методик журнал. ISSN 2181-7138. №1 2021